

## МИЛЛИЙ, МАЬНАВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Тошкент тиббиёт академияси  
**Худоёрова Ойсоат Келдиёровна**  
Педиатрия факультети  
**Пайзиева Нилуфар Хаётжоновна**

201-А гурӯҳ талабаси

Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги,  
экология атроф муҳит муҳофазаси ва кимё факультети

**Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўғли**

402-А гурӯҳ талабаси

**Аннотация:** Ёшларнинг миллий-маънавий, диний қадриятлар руҳида тарбиялаш мазмуни ва моҳияти аниқланган бўлиб, уларнинг ўзлаштирган билимларини демократик тамойиллар асосида амалиётдаги ижросини таъминлашни асосий йўллари, усулларига доир илмий тавсиялар акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Имон, эътиқод, қадриятлар, инсон қадр-қиммати, меҳнати, ақл-заковати, моддий ва маънавий бойликлар, ахлоқий қоидалар, тамойиллар, бурч, виждон, адолат, эркинлик, тенглик, юксак дунёқарашиб комил инсон.

Халқимизнинг маданий мероси, юксак миллий, маънавий қадриятларини чуқур ўрганиб, ёш авлод онгига сингдириш орқали уларни маънавий етук, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Маълумки, қадрият деганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гурӯҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласидиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилади. “Қадрият” аслида арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “қиймат”, “аҳамият”, “қимматбаҳо буюмлар”, “халқ бойлиги” деган маъноларни англатади. Қадрият фалсафий маънода “... инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеаликнинг шакллари, холатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб, тартиблар ва бошқаларнинг қадрини, ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий категория” ҳисобланади<sup>1</sup>. Қадрият ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Инсон ва унинг хаёти энг олий қадриятдир. Инсон йўқ жойда бирор бир нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиасини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш

<sup>1</sup> Назаров Қ. Фалсафа асослари.-Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2012-Б.755.

давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй берайтган туб ўзгаришлар, ислохотларнинг барчаси кишилар ҳаёти фаровон, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис қилиши, ўз меҳнати натижаси, ўз тақдири, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Табиий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

Инсон меҳнати, хатти-ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган “иккинчи табиат”, яъни турли-туман моддий бойликларни яратади. Ана шундай меҳнат натижасида юзага келган заводлар ва фабрикалар, ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, асбоб-ускуна, туаржой, мол-мулқ, иншоот ва шу кабилар моддий қадриятлар ҳисобланади. Моддий қадриятларнинг негизини мулк ташкил этади.

Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий қадриятлар катта ўрин эгаллади. Унга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва ҳоказолар киради.

Марказий Осиё азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлкада етишиб чиққан буюк мутафаккирлар жаҳон илм-фани ва маданиятини ўз кашифиётлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитиб, юқори чўққига кўтардилар.

Бутун маданий оламга таниқли олимлар, мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари муҳташам шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда. Кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, Ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ахлоқий қадриятлар ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, норма, қоида ва тамойиллар мажмуасидир. Ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън (ор-номус), баҳт, адолат, идеал кабилар киради.

Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичida энг зарурийлари - эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозланган ва қадрланган. Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шухрати ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичida истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-рухий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётини барча томонларини қамраб олади. Инсон учун ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий,

ахлоқий қадриятлар жамият тараққиётида салмоқли ўрин эгаллаб, кишиларнинг инсоний фазилатларини юксалтиришда катта хизмат қилиб келмоқда. Қадриятлар жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аждодларининг тарихий тажрибасига асосланади. Аввало инсон ўзлигини англаб етиши керак. Ўз тараққиёти учун ҳар бир миллат умуминсоний маънавият бойликлари хазинасидан фойдаланиши, унга суюниши тарихий заруратдир. Умуминсоний маънавият бойликларидан фойдаланиш миллий чекланганлик қобигидан четга чиқишига, оламни кенгрок кўриш ва кузатишга ундейди.

Улуғ бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Исломи Бухорий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Газзолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий ва бошқаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан ҳанузгача хурмат билан тилга олиниб келинмоқда. Марказий Осиё мутафаккирлари яратган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, қимматли фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавият дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилмоқдаки бундан биз фахрлансак арзиди.

**Хулоса** шуки, ота боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий меросни авайлаб, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш энг муҳим заруратдир.

Ўзбекистон дунёвий давлатдир. Унинг тараққиётида диний ғоялар муҳим ўрин тутади. Диний қарашлар халоллик.тинчлик, осойишталик, фаровонликни таъминлашга хизмат қиласи. Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатдир. Диний қадриятлар одамларни илм-фанга, маънавият ва маърифатга даъват этганлиги жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Барқарорлик тинчлик миллатлараро тотувлик халқимизнинг буюк ижтимоий-сиёсий қадриятларини ташкил этади. Фуқаролар ўртасидаги тинчлик миллатлараро тотувлик ва дўстлик уларни авайлаб сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш азалдан ҳалқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келган ва ҳозирги вақтда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Ҳалқлар ўртасида тинчлик тотувлик дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш миллатимизнинг онгига, қонига чукур сингиб кетган. Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тинчликсевар мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда тараққиётга эришишнинг ўзига хос йўлини танлаган. Шунинг учун ҳам унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обўй

ва эътибори тобора ортиб бормоқда. Барқарорлик, тинчлик, тотувлик булар давлатимизнинг янги биносини барпо қиладиган пойдевордир. Бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадигаи тўғри йўлдир. Ҳозирги ўта мураккаб ва зиддиятли жараёнда ҳукуматимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати туфайли жамиятимизда осойишталик тинчлик ва тотувлик фуқароларнинг кундалик турмуш тарзига айланиб кетган. Буни биз миллатлараро муносабатларни таккомиллаштириш соҳасида қилинаётган ҳаракатлардан яққол қўришимиз мумкин. Маълумки, инсоннинг баҳт-саодати, келажак ҳаёти миллатлараро муносабатлар билан ўзвий боғлиқ. Диний ва дунёвий билимларни эгаллаган ёшларни тўғри йўлдан адаштириб бўлмайди. Шу сабабдан юртимизда инсониятни бағрикенглик, поклик, меҳр ва оқибатга чорловчи муқаддас динимизни асраб авайлашга айниқса, ёш авлодни халқимизнинг миллий ва диний қадриятларга бўлган ҳурматини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Назаров Қ. Фалсафа асослари.-Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2012
2. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шахри”.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
3. Алишер Навоий. Лисон ут тайр. Т., F.Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
4. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016.
5. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Тошкент-Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи 2017.
6. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., “Ёзувчи”, 1996.